



Issues of comprehensive systematization of the legislative framework aimed at ensuring human environmental rights

Sherzod MAVLONOV¹, Khikmatullo OCHILOV²

General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2025
Received in revised form
15 May 2025
Accepted 25 May 2025
Available online
15 June 2025

Keywords:

environmental rights,
environmental safety,
human rights,
national legislation,
legal system,
environmental control.

ABSTRACT

This article explores the legal foundations of ensuring environmental human rights in the Republic of Uzbekistan, analyzes the current state of environmental legislation, identifies key issues, and substantiates the need for comprehensive systematization of the legal framework. Drawing from international experience, the author proposes specific directions for reforming national legislation to effectively guarantee the right to a healthy and safe environment.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss5/S-pp262-267>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Инсоннинг экологик ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш масалалари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

инсон ҳуқуқлари,
экологик хавфсизлик,
экологик ҳуқуқ,
миллий қонунчилик,
ҳуқуқий тизим,
экологик назорат.

Мазкур мақолада инсоннинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг аҳамияти, мавжуд муаммолар ҳамда қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш зарурати таҳлил этилади. Халқаро ҳуқуқий тажрибага таянилган ҳолда, инсоннинг соғлом ва экологик хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқини самарали таъминлаш учун миллий қонунчиликни ислоҳ қилиш ва интеграциялаш хусусида тавсиялар илгари

¹ Prosecutor of the Department of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, Uzbekistan. E-mail: Rockfeller2504@gmail.com

² Inspector of the Department of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan. E-mail: ochilovhikmatullo7@gmail.com

сурилган.

Вопросы комплексной систематизации законодательной базы, направленной на обеспечение экологических прав человека

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

экологические права,
экологическая
безопасность,
права человека,
национальное
законодательство,
правовая система,
экологический контроль.

В данной статье рассматриваются вопросы обеспечения экологических прав человека в Республике Узбекистан, анализируется текущее состояние законодательства, выявляются проблемы и обосновывается необходимость комплексной систематизации правовой базы. На основе международного опыта автор предлагает конкретные направления реформирования национального законодательства для эффективной реализации права человека на благоприятную окружающую среду.

Ҳозирги кунда экологик муаммолар ва уларнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқлиги масаласига жаҳон миқёсида жиддий эътибор қаратилмоқда. Инсон ҳуқуқларининг бир қисми сифатида, экологик ҳуқуқлар инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлаш, яхши яшаш шароитларига эга бўлишга қаратилган муҳим омил ҳисобланади. Экологик ҳуқуқлар фақат табиатни муҳофаза қилиш эмас, балки инсоннинг ҳаёт даражасига ҳам тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шу боисдан, экологик ҳуқуқларни таъминлашга қаратилган қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ инсоннинг асосий конституцион ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши бу ҳуқуқни умумбашарий деб эътироф этган. Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур ҳуқуқ қатор қонун ҳужжатлари орқали кафолатланган. 2023 йилдаги Конституциянинг янги таҳрири экологик ҳуқуқларнинг назарий асосларини аниқ белгилаб, уларни ҳуқуқий тартибга солишда давлатнинг муҳим ролини таъкидлади. Экологик ҳуқуқлар инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, барқарор ривожланишни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган муҳим ҳуқуқлардан бири ҳисобланади. Конституциядаги бу ўзгаришлар экологик ҳуқуқларнинг таърифи ва амалга ошириш механизмларини изчил белгилаб, давлатнинг экологик хавфсизликни таъминлашдаги масъулиятини янада мустаҳкамлади. Хусусан, асосий қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида “Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради” – дея белгилаб қўйилган [1].

Инсоният тўқнаш келаётган иқлим билан боғлиқ кескин муаммолар оқибатларини юмшатиш инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Инсон ҳуқуқлари бўйича IV анъанавий Самарқанд форуми” иштирокчиларига мурожаатида таъкидлаганидек, “Экологик инқироз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги энг асосий тўсиқ ва таҳдидга айланди, глобал миқёсда қашшоқлик билан боғлиқ муаммолар кўпаймоқда, инсоннинг соғлиқ, тоза сув, озиқ-овқат ва уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш хавф остида қолмоқда. Бундан аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, аёллар ва болалар жиддий азият чекмоқда” [5].

Самарқанд форуми Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартибини рўёбга чиқариш бўйича саъй-ҳаракатлар бутун жаҳонда давом этаётганининг яна бир амалий исботи бўлди.

Иқлим ўзгаришининг инсон ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатишини юмшатиш бўйича турфа тамойил ва ёндашувлар, шунингдек, бу соҳада турли мамлакатлардаги илғор тажриба ва амалиётлар билан ўзаро алмашилиш асосида аниқ тавсия ва ечимлар ишлаб чиқишга эътибор қаратилмоқда.

Бироқ амалиётда бу ҳуқуқларни тўлақонли амалга ошириш учун қонунчиликни қайта кўриб чиқиш, тизимлаштириш ва янада уйғун механизмлар яратиш зарурлиги долзарб аҳамият касб этмоқда.

Экологик ҳуқуқлар – инсоннинг соғлиғи, хавфсизлиги ва атроф-муҳит билан боғлиқ ҳаёт сифатини кафолатловчи ҳуқуқий кафолатлар мажмуасидир [3]. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқи;
- экологик ахборот олиш ҳуқуқи;
- табиатни муҳофаза қилишда иштирок этиш ҳуқуқи;
- экологик зарар ҳолатларида шикоят қилиш ва товон олиш ҳуқуқи.

Глобал хавфлар ортган бир шароитда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барқарор келажагини белгилаб олиш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш – Янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясида ҳам ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи кафолатланган.

Мамлакатимизда ушбу соҳада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари илгари сурган “Яшил макон” ташаббуси чинакам умуммиллий лойиҳага айланди. “Яшил макон” доирасида мамлакатимизда 1 миллиард туп кўчат экилди.

Кейинги йилларда юртимизда муқобил энергия улуши икки бараварга кўпайди. “Яшил” водород ишлаб чиқариш бўйича илк амалий қадамлар ташланди. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланди, “2019–2030 йиллар даврида мамлакатнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси” қабул қилинди.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун ҳар ойда “Автомобилсиз кун” акцияси ташкил этилиб, раҳбарлар ва бошқа давлат хизматчилари ишга жамоат транспортида етиб келиши йўлга қўйилди. Шунингдек, аҳолининг пиёда юриши оммавий тарғиб қилиниб, кўплаб “Саломатлик йўлаклари” бунёд этилмоқда.

Юзага келаётган экологик муаммоларнинг трансчегаравий хусусиятини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясида «Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик» резолюцияси қабул қилинди [7].

Шу билан бирга, эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, ички ресурслардан янада самарали фойдаланиш зарур. Инсоннинг экологик ҳуқуқи ҳақида гап кетар экан, бу борада, аввало, қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, керак бўлса, қонун лойиҳаларини фуқаролар экологик ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилиши нуқтайи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”га кўра, бунда:

- инсоннинг экологик ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли давлат органининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экологик назорат ва мониторинг турлари ҳамда уларни амалга ошириш тартиби;
- экологик экспертизани амалга ошириш тартиби назарда тутилади.

Экология соҳасидаги қонунчилик базаси мақбуллаштирилади ва тўғридан тўғри амал қилувчи Ўзбекистон Республикасининг Экология кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Шунингдек, 2026–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастури тасдиқланишини кўзда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мўлжалланган.

Лойиҳада:

- атмосфера ҳавосининг ифлосланишини ва саноат тармоқларининг унга таъсирини баҳолаш натижалари;
- трансчегаравий ва ички аҳамиятга эга ерусти сувлар, ерости сувлари қудуқларида сув ифлосланиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ривожини ҳисобга олган ҳолда ерларнинг ифлосланишини назорат қилиш механизмлари;
- мамлакат тоғ ва тоғолди минтақаларининг фаол геологик жараёнлар намоён бўладиган ҳудудларида хавфли экзоген геологик жараёнлар мониторинги масалалари;
- атмосфера ҳавоси, ер усти сувлар ва тупроқнинг ифлосланиши (эмиссия) манбалари мониторинги масалалари;
- экоаналитик лабораторияларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш каби тадбирлар назарда тутилади.

Шунинг билан бирга, мамлакатимизда амалдаги ишлаб чиқилган қонунлар ўртасида тарқоқлик мавжудлигини кўришимиз мумкин. Амалдаги қонунлар бири-биридан мустақил равишда ишлаб чиқилган ва умумий стратегик мақсадга йўналтирилмаган. Бу ҳолат фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда турли талқин ва муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда қонунчилик тизимини тизимлаштириш зарурати мавжуд. Бизнинг фикримизча, амалдаги қуйидаги мавжуд муаммолар бартараф этилиши зарур:

- Қонунларнинг бир-бири билан мувофиқлаштирилмаганлиги;
- Экологик ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича аниқ институционал механизмлар йўқлиги;
- Фуқаролар иштирокининг пастлиги ва экологик билим савиясининг етарли эмаслиги;
- Экологик ахборотнинг очиқ эмаслиги.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик қуйидагича йўналишларда тизимлаштириш мақсадга мувофиқ:

Ихтисослаштирилган “Экологик ҳуқуқлар тўғрисида” қонунни ишлаб чиқиш – инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан экологик кафолатларни аниқ белгилаб бериш.

Қонунлар ўртасидаги уйғунликни таъминлаш – мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш.

Ахборот шаффофлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш – жамоатчиликка экологик маълумотларга етиб бориш имконини ошириш.

Экологик ҳуқуқлар бўйича омбудсман институтини жорий этиш – фуқароларнинг мурожаатлари бўйича мустақил орган сифатида.

Экологик ҳуқуқларни ҳуқуқий таъминлаш соҳасидаги халқаро амалиёт, айниқса Европа давлатлари мисолида, Ўзбекистондаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш учун муҳим методологик ва институционал ечимлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Қуйида Норвегия, Германия ва Францияда экологик ҳуқуқларни кафолатлаш бўйича амалга оширилаётган илғор тажрибалар таҳлил қилинади.

Норвегия Конституциясининг 112-моддасида соғлом ва хавфсиз муҳитда яшаш инсоннинг конституциявий ҳуқуқи сифатида белгилаб қўйилган. Бу норма нафақат декларатив хусусиятга эга, балки судларда ҳам фаол қўлланилмоқда. Масалан, 2020 йилда Норвегия Олий судида Арктикада нефт қазиб чиқариш бўйича берилган лицензияларнинг конституциявий ҳуқуқларга мувофиқлиги масаласи муҳокама қилинди.

Шунингдек, Норвегияда жамоатчиликнинг экологик қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқи институционал кафолатланган. “NordLink” каби энергетик лойиҳаларда давлат, жамоатчилик ва хусусий сектор ўртасида кенг муҳокамалар ташкил этилади, бу эса қарорларнинг шаффоф ва қонунийлигини таъминлайди.

Германияда фуқаролар ва жамоат ташкилотлари экологик ҳуқуқбузарлик ҳолатларида мустақил равишда судларга мурожаат қилиш имкониятига эгадирлар. “Umweltrechtsbehelfsgesetz” (Экологик ҳуқуқий мурожаатлар тўғрисидаги қонун) фуқароларнинг ва ННТларнинг чиқиндилар, ҳаво ифлосланиши ва қурилиш лойиҳалари юзасидан судда иштирок этишини таъминлайди.

Иккинчидан, “Umweltinformationsgesetz” орқали барча экологик маълумотлар оммавий ва электрон шаклда очиқланиши мажбурий ҳисобланади. Бу ахборотларга етиб бориш имкони фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини амалга ошириш учун асосий омилдир.

Конституциявий суднинг 2021 йилда чиқарган қарорида иқлим сиёсати келажак авлодларнинг ҳуқуқларига тааллуқли экани таъкидланиб, ҳукуматдан

аниқ стратегия ва ҳуқуқий кафолатлар талаб қилинди. Бу экологик ҳуқуқларни фақат ҳозирги авлод эмас, балки келгуси авлодлар ҳуқуқи сифатида кўришнинг ҳуқуқий ифодасидир.

Францияда 2004 йилда қабул қилинган Экологик хартия Конституция даражасидаги ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, соғлом муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлайди. Хартиянинг 1-моддасида “Ҳар бир инсон соғлом муҳитда яшаш ҳуқуқига эга” деб бевосита таъкидланган.

Францияда экологик сиёсатга жамоатчиликнинг таъсирини кучайтириш мақсадида Экология ва Иқлим бўйича Миллий Кенгаш фаолият юритади. Фуқаролар муайян экологик муаммо юзасидан имзо йиғиш орқали ушбу Кенгаш орқали ҳукуматга таклиф киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд амалиётида ҳам Франция илғор тажрибага эга. Масалан, “Notre Affaire à Tous” деб номланган ННТ ташкилоти ҳукумат иқлим ўзгаришига қарши курашда етарли чора кўрмаётгани сабабли судга мурожаат қилди ва суд 2021 йилда ҳукуматнинг маълум даражада масъул эканлигини тан олди. Бу фуқаролик жамиятининг экологик ҳуқуқлар ҳимоясидаги институционал салоҳиятини кўрсатади.

Европа давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, инсоннинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш фақат қонун мавжудлиги билан эмас, балки унинг амалдаги таъсирчан механизмлари – жамоатчилик иштирокининг кафолатлари, ахборотга етиб бориш имконияти, суд орқали мурожаат қилиш имконияти орқали амалга ошади. Ўзбекистондаги ислохотлар даврида мазкур давлатларнинг илғор амалиётини инобатга олган ҳолда, миллий ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Тошкент, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуни. – Тошкент, 2000.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни. – Тошкент, 1992.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни. – Тошкент, 1996.
5. 2024 йил 13-14 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Инсон ҳуқуқлари бўйича IV анъанавий Самарқанд форуми” материаллари– Самарқанд, 2024.
6. Ўзаров А.Р., Икромов Ш.Я. "Экологик ҳуқуқлар ва уларни амалга ошириш механизмлари". – Тошкент, 2021.
7. Худойқулов М.Қ. "Қонунчилик ва экологик хавфсизлик". – Тошкент, 2019.
8. UNESCO. "Environmental Rights: International Perspectives". – Paris, 2018.